

# SOHIBQIRON YULDUZI

ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов  
академик Анатолий Сагдуллаев  
академик Дилором Юсупова  
Сирожиддин Саййид  
проф. Абдурахим Эркаев  
проф. Қахрамон Ражабов  
проф. Юлдуз Эргашева  
проф. Баҳодир Эшов  
филол.ф.д. Нафас Шодмонов  
Тўлқин Ҳайит  
т.ф.д. Г.Мўминова  
проф. Шокир Гаффоров  
филол.ф.д. Хўжамурод Жабборов  
филол.ф.д. Дамин Тўраев

## Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

## Масъул котиб:

Азизбек Нороз

## Нашр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тоғаев

## Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусаев

## МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.

Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот  
бошқармасида 2012 йил 12 мартда  
14-076 рақами билан рўйхатга олинган.

Журнал йилда 4 мартаба чоп этилади.  
Журналдан қўчирма олинганда манба  
қайд этилиши шарт.

## Манъилимиз:

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,  
2-уй. Телефон: 221-13-78. 91.466-80-32  
Теришга 30.07.2021 йилда берилди.  
Босишга 14.09.2021 йилда рухсат  
этилди. 29.09.2021 йилда босилди.  
Бичими 70x100 1/16. 8,0 босма табоқ.  
Адади 100 нусха. Буюртма № 411  
Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш  
корхонаси босмахонасида чоп этилди.

## Босмахона манзили:

Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

## Электрон манъилимиз:

sohibqiron\_jurnali@mail.ru

2021 йил № 3 (45)



2021 йил-Ёшларни қўллаб-  
қувватлаш ва аҳоли  
саломатлигини мустаҳкамлаш  
йили.

Журнал таниқли шоир, маънавият  
жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев  
ташаббуси билан ташкил этилган.  
2010 йилдан чоп этилади.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация  
Комиссияси раёсатининг 2018 йил  
29 декабрдаги 260/7-сонли қарори билан  
«Тарих» фанлари бўйича илмий журналлар  
рўйхатига киритилган.



## ТАДҚИҚОТЛАР

Дурдона МУРОДОВА, Архелогик ландшафтларнинг ўрганилиши.....	82
Н.ЖЎРАЕВ, С.МУРТАЗОВА, Бетакрор истеъдод соҳиби ва етук санъаткор.....	88
Ихтиёр КҮШШАКОВ, "Чорчинор" эпиграфик ёдгорликлари.....	95
Қодирхон МАҲМУДОВ, "Саҳиҳул Бухорий"нинг Юнийий нусхалари.....	100
Усмон МЎМИНОВ, Америкалик дипломат Ю. Скайлернинг "Туркистон" асарида Қарши шаҳри тавсифи.....	105
Д. ЖАМОЛОВА, Туркистон ўлка мусулмонлар бюроси ва унинг фаолияти....	110
Валишер АБИРОВ, Манбашунослик тадқиқотларида Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масалалари .....	117
Суннатулло МУҲИДДИНОВ, Туркистондаги жадид мактаблари фаолиятига янгича назар.....	124





# **TURKISTON O'LVKA MUSULMONLAR BYUROSINI VA UNING FAOLIYATI**

**Д. М. ЖАМОЛОВА,**  
Бухоро давлат университети

**Калит сўзлар:** бюро, конференция, миллий зиёлилар, маориф, қозилик, олий таълим, миллий армия, адлия, дин.

1919 йил 30 март куни Туркистон Коммунистик партиясининг 2-конференцияси қарори билан Марказий партия қўмитаси ҳузурида Муслмон иштирокиюн бюроси ташкил қилиниб, унинг таркибига Т. Рисқулов, А. Муҳиддинов, Н. Хўжаев, Ю. Алиев ҳамда Й. Иброҳимовлар киритилди. Бюронинг асосий вазифаси ўлкада муслмон партия ташкилотларини вужудга келтириш ва уларни идора қилиш, партия ишчиларини бирлаштириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини бошқариш ҳамда Марказий партия қўмитасининг муслмонларга таалуқли барча ишларини амалга оширишдан иборат бўлган [1]. Туркистон жумҳуриятидаги муслмон иштирокиюн ташкилотларининг Ўлка Муслмон бюросининг манзили Тошкент шаҳри, Самарқанд кўчаси, 12-ҳовлида жойлашган эди [2].

"Иштирокиюн" газетасининг 101-сонида босилган Абу Турғуднинг "Муслмон коммунистларининг конференцияси муносабатила" мақола-сида Ўрта Осиё муслмонлар бюросининг ташкил этилишининг сабаблари қуйидагича ёритилган: "Муслмон ишчи ва камбағал фуқаросининг ҳаёти умум Европа пролетариатина бус-бутун бошқа тарзда бўлуб, бунинг учун ўзига махсус тадбир ва программа мутлақ лозим бўлса-да, бизнинг Туркистон коммунистлари бу ишни амалга оширганлари йўқ эди. Марказдан келган кенгроқ фикрли ўртоқлар Туркистоннинг туфроғига оёқ босув ила, бунга қадар Туркистонда маҳаллий шўролар ҳукумати тарафидан юритилиб келган сиёсатнинг бик асосли ва тўғри бир йўлга қўйилуб этмаганлигин англадилар ва бу сиёсатни тўғри бир йўлга қўймоқ учун ҳукумат ила маҳаллий халқ орасинда, ерли халқнинг аҳвол руҳия ва эҳтиёжиётини билган зотлардан бир восита (муслмон бюроси) туздилар" [3].

Муслмон бюросининг ҳуқуқ ва вазифалари "Туркистон жумҳурияти муслмон коммунист уюшмаларини Ўлка бюроси ҳақидаги Низомнома"да белгилаб қўйилган бўлиб, у партиянинг Туркистондаги муслмон қисмига партия ишларида йўл бошчилик қилиб, тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб бориш, маҳаллий кадрлар тайёрлаш, Қизил армия ҳамда халққа хитобномалар, рисоалар тарқатиш ва бошқалардан иборат бўлган.



Туркистон жумҳуриятидаги мусулмон иштирокиюн ташкилотларининг 1-ўлка конференцияси 1919 йил 24 май куни Тошкент шаҳрида ўз ишини бошлайди. Конференция ишини марказий бюронинг раиси Т. Рискулов кириш сўзи билан очиб беради.

Конференцияда ҳозирги аҳвол бўйича маҳаллий маърузалар тинглашиб, маҳаллаларда мусулмон ташкилотлари тузиш; Ўлка бюроси ва маҳалладаги бўлимларнинг низомномаларини тасдиқлаш; партиянинг маҳаллалардаги ишлари ва Ўлка бюросининг сайловига оид масалалар кўриб чиқилади [4].

Конференцияда Фарғона вакили Айнуллин Қўқон мухториятининг тугатилиши масалалари ҳақида маъруза қилади ва "Ҳозирги аҳвол ҳақида" Мусулмон иштирокиюн конференциясининг қарори қабул қилинади [5]. Қарор икки қисмдан иборат бўлиб, хорижий ва дохийий сиёсат деб номланган. Дохийий сиёсат деганда, асосий эътибор Фарғонадаги воқеаларга қаратилган. Жумладан, "Миллат масаласи тўғрисида маҳалладаги советлар сиёсатининг на даражада тўғри бўлмаганлиқини ҳам биргина тарафли бўлуб юритилуви шундай маълумки, ондаги мусулмон камбағалларининг ҳуқуқлари шул даражада топталганки, (Фарғонада) ҳатто ондаги мусулмон камбағалларини масхара қилмоқ учун арманий "Дашноқютюн" партияси тарафиндан қуроли миллий аскар тузилди. Бу дашноқютюн партияси ўзининг провакация ишларини ниҳоят даражага етказуб, миллият ихтилофларини кундан кунга қиздируб турди. Шунинг орқасинда мусулмон қоммунистлари ўзларина ишонч бўлмов ҳам доимий суратда таъқиб қилинуб тургонлигидан иш кўрувдан ожиздирлар", - деб фикр билдириб, қуйидагиларни амалга ошириш зарурлиги белгилаб қўйилган:

1) Миллий масалалар тўғрисидаги сиёсатни қатъий йўлга қўйиш, яъни мусулмонларни бошқа миллатлар билан бир даражада қўйиш.

2) Мусулмон камбағалларидаги ишончсизликларни йўқотиш.

3) Мусулмонлар ва бошқа миллатларнинг ўртасини бузувчи ёмон одамлар ҳақида тадбирлар ўтказиш [6].

29 май куни конференциянинг 6-мажлисида Самарқанддан келган вакил Мухторов маъруза қилади. У партия ишлари ҳақида қисқача маълумот бериб, шаҳар ва уездда партия тузилгани, аммо уезд халқи ҳукуматда тор миллатчи унсурлар ўтиргани учун унга ишончсизлик билан қараётганини, шунинг учун ҳукумат ва аҳоли ўртасида англашилмовчиликлар содир бўлаётганини таъкидлайди. Шу билан бирга Самарқанддаги маориф тизимининг аҳволи ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади: "Самарқандда 25 адад мактаб, 5000 дан ортиқроқ ўқувчи бўлса-да, дин дарслари ўқитилув монё қилинуб сабабли қишга томон шогирдларнинг ярмиси қочуб битганлар. Сўнгра дин дарслари ўқитилув бошласа-да, тездан ҳукумат тарафиндан монё қилинган. Ҳатто дин дарси ўқитқан муаллимларнинг отиб ўлдирилажаклари эълон этилган. Шунинг натижасинда, мактаблардаги болаларнинг қолган ярмиси ҳам қочуб битган. Йил охирина томон мактаблар тамомила бўшаб қолганлар. Маориф ишларинда том маъносила



истибдод ҳукм суриб, комиссарият мудир ва мудираларни ўз билдики ила таъйин қилган. Маориф ишларинда кўбрак собиқ офицерлар туруб мактабларни ўз билдиклари ила идора қилалар. Шунга кўра, мусулмон муаллимлари ҳар вақт олмашинуб тура, бу иш умуман мусулмонларнинг ҳукумат ишиндан ҳам партиядан қочувина сабаб бўлган. Аскарга яроқлик одамларнинг ҳисобларин олув тўғрисида фармон бўлув ила мусулмонлардан кўб одам четга қочуб кетдилар. Мусулмон мактабларинда дин ўқитилурга рухсат қилинсун эди, агар дин ўқитилмаса, мактабларга мусулмонлардан ҳеч бировда келмаяжакдир" [7].

1 июнь куни конференциянинг 9-мажлиси бўлиб, унда бюро раислигига Т. Рисқулов, бюро аъзоларига эса А. Муҳиддинов, Афандизода, А. Авлоний, Ю. Алиев, Исоев (самарқандлик)лар сайланганлар [8].

Конференциянинг 10-мажлисида ўртоқ Алиев навбатдан ташқари сўз олиб, комиссарлар шўросида мусулмон қозиларини битириш масаласи қўзгатилганлиги ҳақида: "Комиссарлар шўросининг мажлисинда агар қозилар бирдан битирилажак бўлсалар, мусулмонлар орасида турли англашилмовчиликлар чиғуви эҳтимол, шунинг учун бу масала қонфренсқа кўтарилсун деб таклиф қилам, агар шундай бўлмаса, уламолар синфи бу ҳолдан истифода қилуб халқни ҳозирги ҳукуматга қарши юборувлари эҳтимолда йўқ эмасдир", - дейди. 7 июндаги 11-мажлисида Халқ суд масаласи кўриб чиқилган ва қуйидагича қарор чиқарилган:

1) Мусулмон судлари, қозилари ҳамда бийларини босқичма-босқич ислоҳ қилиб, уларнинг ўрнига халқ судлари вужудга кетириш, яъни мазкур халқ судлари сайлаш орқали ташкил этиш. Суд тизимида фаолият олиб борадиган кишиларга декрет бўйича тайинланган миқдорда маош тўлаш;

2) Мусулмонларнинг ҳуқуқлари ва виждонларига хилоф бўлмаган шарият ва одат асосларини янги судларда сақлаб қолиш;

3) Халқ судларига мутахассислар тайёрлаш учун ҳозирдан бошлаб ўзбек ҳамда рус тилларида адлия ишлари курслари очишга киришиш;

4) Мусулмон қоммунистларининг Ўлка бюросига адлия ҳамда миллий ишлар комиссарияти билан биргаликда адлия комиссариятининг мусулмон судларини ислоҳ қилиш ҳақидаги ҳамма лойиҳаларини аниқлаб янгидан кўриб чиқиш ва бу тўғрида ҳамма қарорларнинг мусулмон қоммунистларининг ўлка бюроси орқали ўтказишга таклиф қилиш;

5) Суд ишлари ҳақидаги декретни эълон қилган вақтда адлия комиссарияти ҳамда мусулмон қоммунистларининг ўлка бюросига миллий комиссарияти билан биргаликда турли хитобнома ва баённомалар тарқатиш йўли билан мазкур декретни халққа тушунтириш тўғрисида тадбирлар қилинишни таклиф қилиш [9].

Конференциянинг яна бир мажлисида Тошкентдаги мусулмон муаллимлари томонидан кўтарилган муаллимлар курслари масаласи кўриб чиқилган. Маълум бўлишича, турк дорилмуаллимини бир йил давомида ўзига бино олмаганлиги сабабли таълим ишлари орқада қолган, фақат сўнгги



кунларда мазкур дорилмуаллимин учун собиқ семинария биноси олинган. Шунингдек, Туркистондаги қирғиз, қозоқ дорилмуаллимини ҳам ўзига махсус бино йўқлигидан бир ердан иккинчи ерга кўчиб юришга мажбур бўлган ва таълим ишларига зарар етказилган. Юқоридаги хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида бюро томонидан ўлка маориф комиссариятига дорилмуаллимларга ажратилган биноларни таъминлашни таклиф қилиш; мусулмонлар учун очилган бошқа курсларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қаноатлантириш; Ўлка мусулмон бюроси ўлка маориф комиссариятидан мусулмон мактабларининг аҳволи ҳақида маълумот талаб қилиб, курсларни такомиллаштириш ҳамда тараққий эттириш учун тегишли чоралар кўриш; Маориф комиссарияти томонидан Туркистонда маориф ишларини ривожлантиришга қаратилган фармонлар чиқаришни Туркистон Ижроия қўмитасига таклиф қилишга оид қарорлар қабул қилинган [10].

1919 йил 24 май - 16 июнь кунлари бўлиб ўтган ушбу конференцияда бюронинг низомномаси тасдиқланди ва унинг 7 нафар кишидан иборат аъзолари сайланди, миллий армияни шакллантириш масаласига эътибор қаратилди, халқ судлари фаолиятига, маориф соҳасига оид қарорлар қабул қилиниб, Туркистон халқлари ва ҳукумат ўртасида вужудга келган тубсиз жарликни йўқотиш борасида амалий ишларни амалга ошириш белгилаб олинди [11].

1919 йил 17 июнда Ўлка бюросининг ишлари ушбу тартибда шўъбаларга бўлиниб, "Интизом ва ташкилот шўъбасига" Рисқулов ва Алиев; "Маданият ва маориф шўъбасига" Муҳаммад Амин Афандизода; "Аскарый шўъбага" Форисов; "Таҳририят ва нашриёт шўъбасига" Муҳиддинов ва Фахриддиновлар мудир этиб тайинланган.

Аммо ушбу шўъбалар ўзига топширилган ишларни етарли даражада амалга ошира олмайди. Чунки уларга лавозимидан ташқари вазифаларни бажаришга тўғри келган. Масалан, Фарғона фожиаларига хотима бериш учун Фарғонага юборилган Миллий ишлар комиссари ўртоқ Турсун Хўжаев ўрнида бюро аъзоларидан Алиев миллий ишлар қомиссарлиги вазифасини бажариб турган. Рисқулов эса бир қанча ихтилофларни ҳал қилиш учун Фарғонага ва Авлиёотага бориб келишга мажбур бўлган. Самарқанддан келган талабномаларга кўра Муҳаммад Амин Афандизодани Самарқандга юборишга мажбур бўлишган [12].

1919 йил 12 сентябрда мусулмон иштирокиюн ташкилотларининг фавқулодда 2-конференцияси бошланган. Конференцияни Т. Рисқулов кириш сўзи билан очиб бериб, "... Ҳаммангиз биласизки, совет ҳукуматининг Туркистонда тузилганига икки йил бўлди, фақат бу икки йил ичида Туркистоннинг кўб еринда хусусан қишлоқларда совет ҳукумати тузилмаган.

Биз совет ҳукуматини маҳкамлашдирмоқ учун Туркистоннинг ҳар бир еринда тўғри бир йўл бирла мусулмон меҳнаткашларининг мунтазам бир ташкилот остина йиғишимиз керак. Қонфренсда бу ҳақда жиддий тадбир



ва қарорлар чиқаруб қарорларингизни ўз жойларингизга боргандан сўнг ижро қилурсизлар умидинда қоламан" [13], деб таъкидлайди.

Конференцияда Алиев Фарғонадаги воқеалар ҳақида тўхталиб ўтади. Арман дашноқларининг Фарғонадаги ҳаракатларини қоралайди [14].

2-конференцияда бюронинг 11 кишидан иборат янги аъзолари сайлашга қарор қиладилар ва Турор Рисқулов, Низомиддин Хўжаев, Юғали Алиев, Избосаров, Бўлабоев, Ҳожи Муҳаммадов, Тожибой, Абдурахмон Фахриддинов ҳамда Хон Толипшийскийдан иборат 8 та аъзони сайлайдилар. Қолган 3 ўриндан 2 тасини Ёш бухоролиларга ва 1 тасини Хива ёшларига беришга қарор қилинган [15].

Туркистон жумҳуриятининг ўлка идораси ва мусулмон бюроларида баъзи янги ва кутилмаган масалалар пайдо бўлганлиги сабабли ўлка мусулмон бюроси 1920 йил 20 январда мусулмон комунистларининг умумий ўлка конференциясини чақиришга қарор берган.

1920 йил 25 январь куни Тошкент шаҳарида мусулмон комунистларининг 3-конференцияси иш бошлайди. Т. Рисқулов Туркистон ва Шарқдаги аҳвол ҳақида маъруза қиладди ва унинг таклифи бўйича Турк жумҳурияти ва иштирокиюн маромномаси бўйича асос-тезислар ишлаб чиқилади ва ўша асосда қарорлар қабул қилинади.

1) Сирдарё, Еттисув, Фарғона, Самарқанд, Закаспий музофотларидан иборат бўлган Туркистонни - "Турк жумҳурияти мамлакати" деб ҳисоблаш;

2) Туркистон шўролар жумҳуриятини - миллий шўролар жумҳурияти деб ҳисоблаш; "Туркистон жумҳурияти" деган номни "Турк жумҳурияти" деб аташ ўлкадаги махсус ҳамма асосларни шу исм билан юритиш;

3) Турк шўролар жумҳуриятининг давлат ишлари ва ҳукуматнинг ташкилий, ерли халқнинг урф-одат, тарихий ва иқтисодий маишатларига мувофиқлаштириш;

4) Туркистоннинг чегараларини 5 музофот билан чекинган деб ҳисоблаш;

Конференцияда Туркистон мухторияти ва унинг Конституцияси масаласи ҳам кўриб чиқилади [16].

Миллий ватанпарварлар бутун куч-гайратлари билан Туркистон Автоном Совет Республикасининг ўз халқлари истиқомат қиладиган чинакам миллий республикага айлантиришга ҳаракат қилдилар. Мусулмон комунистик ташкилотларининг 3-ўлка конференцияси Туркистон Автоном Совет Республикасини "Турк Республикаси", Туркистон компартиясини "Турк Комунистик партияси" деб аташ тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, Турк Республикаси ўзининг маҳаллий армиясига эга бўлиши зарурлиги қайд этилди.

Бироқ ўлка халқларининг бу талабига Турккомиссия кескин қарши чиқди, РСФСР ҳукуматининг 1919 йил 8 октябрдаги қарори билан Туркистонга махсус комиссия юборилган эди. Турккомиссия "Марказий Ижроия Қўмига ва Халқ Комиссарлари Кенгашининг вакили бўлиб, Туркистон ўлкаси ва у



билан чегарадош давлатлар ҳудудида улар номидан ҳаракат қилиш учун" вакил қилинган эди. Марказнинг ваколатли органи бўлган Турккомиссия аввало, бу ерда унинг манфаатларини ифодалар ва ҳимоя қиларди, бу манфаатларга мувофиқ келмайдиган ҳамма нарсага қатъиян қарши чиқарди. Шундай қилиб, Турккомиссия республика ҳокимият органларининг ташаббуси ва мустақиллигини жиддий равишда чеклар, Туркистоннинг мухтор ҳуқуқларини поймол қиларди. Ўзининг империяча принципларига содиқ қолган Турккомиссия 1920 йил 23 февралда мусулмон коммунистларининг 3-ўлка конференцияси томонидан қабул қилинган ТАССРни "Турк Республикаси" ва Туркистон КПни "Турк Компартияси" деб қайта номлаш ҳақидаги қарорини бекор қилди. Турккомиссиянинг бу хатти-ҳаракатини Россия Коммунистик партияси (б) Марказий Қўмитаси маъқуллаб, қўллаб-қувватлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўрта Осиё Мусулмонлар бюроси 10 ойлик фаолияти давомида Туркистонда ечимини қутаётган талайгина муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилди. Маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Т.Рисқулов Ўлка Мусулмонлари Бюроси раиси сифатида у "Турк Республикаси" ва "Турк Компартияси" тузиш ҳақидаги масалани Марказ сиёсий раҳбарияти олдига қўйди. Бироқ Марказнинг топшириғи билан Турккомиссия Туркистон халқлари бирлашишига йўл қўймади. Аксинча, уларни ажратиб чора-тадбирларини кўрди. Марказ 1924 йил бошидан Туркистон халқларини бўлиб ташлаш мақсадида Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегаралаш ўтказиш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. Туркистон халқларининг бирлиги, Турк Республикаси ташкил қилиш тарафдори бўлган Т. Рисқулов Туркистонда туришидан манфаатдор бўлмаган Марказ 1924 йил февралда уни Москвага чақириб олган. Турор Рисқулов 1924-1937 йилларда турли лавозимларда хизмат кўрсатган. 1937 йилда барча ватанпарвар миллий кадрлар сингари Москвада қамоққа олинган ва мустабид совет тузуми томонидан 1938 йилда отиб ташланган.

#### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Тошкенд хабарлари. Мусулмон марказ бюросидан Москвага юборилган телеграм // Иштирокиюн, 1919 йил 30 апрель, № 95.
2. Марказий мусулмон бюроси // Иштирокиюн, 1919 йил 7 август, № 150.
3. Абу Турғуд. Гайр расмий қисм. Мусулмон коммунистларининг конференцияси муносабатида // Иштирокиюн, 1919 йил 17 май, № 101.
4. Туркистондаги мусулмон комунистларининг биринчи ўлка қонферанси // Иштирокиюн, 1919 йил 4 июнь, № 107.
5. Туркистондаги мусулмон комунистларининг биринчи ўлка қонферанси // Иштирокиюн, 1919 йил 8 июнь, № 109.
6. Туркистондаги мусулмон комунистларининг биринчи ўлка қонферанси // Иштирокиюн, 1919 йил 8 июнь, № 109.



7. Туркистондаги мусулмон комунистларининг биринчи ўлка қонференси // Иштирокиюн, 1919 йил 12 июнь, № 111.
8. Туркистондаги мусулмон комунистларининг биринчи ўлка қонференси // Иштирокиюн, 1919 йил 17 июнь, № 114.
9. Туркистондаги мусулмон комунистларининг биринчи ўлка қонференси // Иштирокиюн, 1919 йил 17 июнь, № 114.
10. Туркистондаги мусулмон комунистларининг биринчи ўлка қонференси // Иштирокиюн, 1919 йил 17 июнь, № 114
11. Мусулмон марказий бюросининг доқлади. Мусулмон иштирокиюн ташкилотларининг 2-фавқулодда конференцияси // Иштирокиюн, 1919 йил 10 октябрь, № 193.
12. Мусулмон марказий бюросининг доқлади . Мусулмон иштирокиюн ташкилотларининг 2-фавқулодда конференцияси // Иштирокиюн, 1919 йил 10 октябрь, № 193.
13. Мусулмон иштирокиюн ташкилотларининг 2-фавқулодда конференцияси // Иштирокиюн, 1919 йил 16 сентябрь, № 174.
14. Абдулла Айниддин. Мусулмон иштирокиюн ташкилотларининг 2-фавқулодда конференцияси // Иштирокиюн, 1919 йил 27 сентябрь, № 183.
15. Лазиз Азиззода. Ўлка мусулмон бюроси сайланиши муносабатила / / Иштирокиюн, 1919 йил 17 октябрь, № 198.
16. Туркистон мусулмон иштирокиюн ташкилотларининг 3-фавқулодда қонференси // Иштирокиюн, 1920 йил 31 январь, № 22.

### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада "Иштирокиюн" газетасидаги мақолалар ва конференция маърузалари матни асосида Ўлка Мусулмонлар бюросининг фаолиятига оид масалалар таҳлил қилинади.

### RESUME

In the article analyzes issues related to the activities of the Ulka Musulmonlar Byurosi on the basis of the texts of the conference reports and articles in the "Ishtirokiyun" newspaper.

